

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МУТАХАСИСЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК
МАХОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ**

Садуллаев Атаназар Атаханович

Абу Райхон Беруний номидаги Урганч давлат университети

Спорт фаолияти, Педагогика ва психология факультети

Спорт уйинлари кафедраси дотценти

Аннотация: Мазкур ишда Педагогик кадрлар малакасини ошириш – таълим турлари бўйича Давлат таълим стандартлари асосида касбий ва педагогик маҳоратнинг доимий равишда ўсиб боришини, ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий методик даражада олиб боришини таъминлайдиган ва ўқитиладиган ўқув фани ёки курс, педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерактив методлари бўйича касбий билимлар, малака ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш кераклигини таъкидланган.

Аннотация: В этой работе мы можем увидеть о педагогической подготовки и обучений персонала на основе Государственных стандартах профессионально-педагогической основе на уровне вырастающих методов, которые идут в процессе научного уровня высшего образования. Учебный предмет или курс по педагогическим или иньормационной технологий и учебный интерактивный методики профессиональных знаний и навыков в том числе и пед технологических работ которые регулярно работают и обновляется.

Abstract: It this work we can see about pedagogical training and staff training on the basis of State standards on a professional pedagogical basis at the level of growing medhods that go in the process of the scientific level of higher education. A curriculum or course in pedagogical or process And educational interactive methods of professional knowledge and skills including pedagogical work that regularly work and is updated.

Мустақиллик туфайли жисмоний тарбия ва спорт юртимиз тараққиётининг барча сохалари каби давлат сиёсатининг устивор йўналишлари доирасида ривож топмоқда. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги Қонун, “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарор “Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тўғрисида” ги



Қарорлар ва шу соҳага оид бошқа концептуал хужжатларнинг қабул қилиниши, уларнинг босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги, ҳамда қонунларда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида урғу берилиши юқорида қайд этилган фикр ифодасидир. Сўнгги йилларда ўзбек спорти ўзининг юксак натижалари билан мамлакатимиз шўхратини жаҳон ҳамжамияти олдига тараннум этиб келаётганлиги, минглаб халқаро стандартларга мос спорт мажмуалари қад кўтараётганлиги, юртимизнинг турли ҳудудларида энг нуфузли халқаро мусобақаларнинг ўтказиб келинаётганлиги ушбу хужжатларнинг амалий маҳсулидир. Лекин юксак натижаларни қўлдан бермаслик, малакали, рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш тўғридан-тўғри ёш истеъдодли заҳираларни етиштириш билан боғлиқдир.

Юқори малакали, илғор замонавий тажрибани ўзлаштириб, турли соҳаларда инновацияларни яратишга қобилияти ривожланган, ижодкор, юқори интеллектуал потенциалга эга кадрлар тайёрлаш муаммосига Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрель куни тасдиқланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сон қарори бағишланган. Ушбу қарорга биноан олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсад қилиб белгиланган. Қарорда олий таълим тизимида ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишларга алоҳида аҳамият берилиб, улар талаб даражасида олиб борилмаятганлиги ҳам таъкидланган.

Ҳозирги пайтда “Баркамол авлод – буюк келажак пойдевори” эканлигини назарда тутган ҳолда юқори малакали жисмоний тарбия мутахассислари олдига катта талаблар қўйилмоқда. Шунинг учун жисмоний тарбия мутахассислари ўз соҳасида юқори малакали бўлишлари, кўп қиррали ўқув-тарбия жараёнига эга бўлишлари, илмий-назарий жиҳатдан пухта, юқори даражадаги спорт мусобақаларига тайёр бўлишлари талаб қилинмоқда (3).



Танланган мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар, узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2015.008.25 даги № 242 сонли “ Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида “Педагогик кадрлар малакасини ошириш – таълим турлари бўйича Давлат таълим стандартлари асосида касбий ва педагогик маҳоратнинг доимий равишда ўсиб боришини, ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий методик даражада олиб боришини таъминлайдиган ва ўқитиладиган ўқув фани ёки курс, педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерактив методлари бўйича касбий билимлар, малака ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш” кераклигини таъкидланган. Бу эса мутахассисларни тарбияли, маълумотли бўлишга ва касбий маҳоратининг шахсий даражасини мунтазам ошириб бориш муаммосини чуқур англашга ундайди. Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар кўпчиликда, жумладан, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси кадрларида шахсий ривожланишнинг оптимал йўллари танлаш эҳтиёжини юзага келтиради (1,2).

Профессионал – бу ижтимоий билим, кўникма, малакаларни, шунингдек, касбга боғлиқ бўлган шахсий сифатларни тақозо этувчи ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланадиган инсон. Мутахассисларнинг касб маҳоратини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга мутлақо янгича ёндашувни тақозо этади.

Ҳозирги вақтда жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида мутахассисларнинг касб маҳоратини ривожлантириш муаммоси малака оширишга доир умумий муаммоларнинг асосийларидан бири ҳисобланади.

Қўйилган мақсад ва вазифалар. Ушбу Битирув лойиха ишимиз профессионал педагогик тайёргарлик дастурини ва ўқув-тарбиявий жараённи, илмий-назарий ишларни, спорт-машғулотларининг ташкилланиши, асосан, умумий таълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги даражасини аниқлаш касбий тестларининг мазмуни ва улардан касбий маҳоратининг назарий



билим ва малакаларини даражасини ўрганишни ўзининг Битирув лойиҳа ишининг предмети қилиб олди ва унга оид тажрибаларни, баҳолаш мезони нормалари, талабларининг мазмунини Битирув лойиҳа ишининг объекти қилиб белгилади (умумий таълим мактабининг жисмоний маданият ўқитувчиси касбий тайёргарлиги мисолида) (3,4,5)

“Касб маҳорати”, “ўз касбининг устаси” деб аталмиш мутахассиснинг эталон (муваффақиятли) деб қабул қилинган “модел”га, касбий фаолиятнинг мазмуни ва мутахассиснинг шахсий сифатлари, унинг даражасини аниқлаш учун илмий асосланган меъёрлар ҳамда талаблар киради. Улар касбий мажбуриятларни муваффақиятли бажариш имконини беради. Бу мажбуриятлар маъносига кўра бир-бирига яқин бўлган иккита мазмундор жиҳатларга эга (3).

Биринчидан, кишининг касбий фаолияти давомида эгаллаб оладиган сифатлари йиғиндиси (меъерий даражадаги касб маҳорати) жиҳати.

Иккинчиси – бу касб соҳиби шахснинг ички дунёси деб аталмиш жиҳатлари. Инсондаги бундай касбий сифатлар тўплами унинг шахси мазмунини ўзак қисмига айланган. Қайд қилинган жиҳатлар касб соҳибининг касбий тайёргарлиги даражасини аниқлашни – баҳолашда ўзгача ёндошувни тақазо этади. (3,8,10)

Касб маҳоратининг ортишини, ривожланишининг дастлабки босқичларида жисмоний тарбия мутахассисига, одатда, спорт машғулотлари соҳасидаги ҳаракат малакалари ва кўникмалари даражаси – спортнинг қайсидир турини техникасини эгаллаганлиги даражаси, фақат ўзига мутахассислик сифатида танлаганини эмас, бошқа, мактаб жисмоний тарбия дастурига киритилган спорт турлари бўйича баҳо берилиши унинг касбий маҳоратининг асосий жиҳати сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Тор доирадаги касбий фаолиятнинг танланиши – соф рефлексив ҳодисадир, яъни ўзини намоён қилишнинг энг жозибали шакли бўлган спортда нафақат шахсий такомиллашиш эҳтиёжини англаш, балки бунга ўз ўқувчиларини ўргатиш маҳоратини эгаллаб олиш билан боғлиқ. Бошқача айтганда, жисмоний тарбия соҳасидаги касбий фаолият ўзининг шахсий асосида рефлексив, онгли кўрсатмага эга .



Ўқитувчи ўқувчининг кайфиятини, психологиясини ва уни нимага қизиқишини яхши билиши керак. Ўқувчилар машғулотлар билан мунтазам шуғулланадилар, ҳаттоки уларга бу қийинчилик туғдирса ҳам, уддасидан чиқишга ҳаракат қиладилар. Ўқув-тарбиявий жараёни, илмий-назарий ишларни, спорт-машғулот ишларини ўз ичига олади. Бунда:

- Спортчилар ўз хоҳишларига кўра спорт мактабларига машғулотга қатнашиши ёки шуғулланмаслиги мумкин;

- Ёш спортчиларда катталар билан ҳамкорлик, тенг ҳуқуқлилик тамойиллари ривожланади.

Ўқитувчи ўз обрўсига эга бўлиши керак. Ўқувчи билан диктатор бўлиб эмас, балки ҳамсуҳбат, дўстона мунособатда бўлиши керак.(4,8,10)

Касб маҳорати ривожланишининг дастлабки босқичларида жисмоний тарбия мутахассисига, одатда, спорт машғулотлари соҳасидаги ҳаракат фаоллигига ички, рефлексив баҳолаб бўлмайдиган рағбатлар, истаклар таъсир қилади. Тор доирадаги касбий фаолиятнинг танланиши – соф рефлексив ҳодисадир, яъни ўзини намоён қилишнинг энг жозибали шакли бўлган спортда нафақат шахсий такомиллашиш эҳтиёжини англаш, балки бунга ўз ўқувчиларини ўргатиш маҳоратини эгаллаб олиш билан боғлиқ. Бошқача айтганда, жисмоний тарбия соҳасидаги касбий фаолият ўзининг шахсий асосида рефлексив, онгли кўрсатмага эга.

Касб маҳоратининг энг муҳим таркибий элементлари – бу умумий ва касбий маданият. Касбий билимдонлик, кучни оптимал сарф қилган ҳолда касбий бошқарув самарадорлигидир.

Касб маҳоратида мутахассиснинг эталон (муваффақиятли) моделига касбий фаолият мазмуни ва мутахассиснинг шахсий сифатларига бўлган, илмий асосланган меъёрлар ҳамда талаблар киради. Улар касбий мажбуриятларни муваффақиятли бажариш имконини беради. Бу мажбуриятлар маъносига кўра бир-бирига яқин бўлган иккита мазмундор жиҳатларга эга. Биринчидан, кишининг касбий фаолияти давомида эгаллаб оладиган сифатлари йиғиндисидир (меъерий касб маҳорати). Иккинчиси – бу профессионал шахснинг ички дунёси. Бундай инсонда касбий сифатлар тўплами унинг шахсининг мазмуний қисмига айланган .



Ўқитувчи ўқувчининг кайфиятини, психологиясини ва уни нимага қизиқишини яхши билиши керак. Ўқувчилар машғулотлар билан мунтазам шуғулланадилар, ҳаттоки уларга бу қийинчилик туғдирса ҳам, уйдасидан чиқишга ҳаракат қиладилар.

Биз, фаолиятли ёндашув назариясига таянган ҳолда, бошқарув соҳасидаги жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касбий маҳоратини ривожлантиришга тааллуқли тарзда тизимли ёндашувнинг асосий қоидаларига аниқликлар киритдик.

Касбий билимдонликнинг маъноси реал касб маҳоратига яқин. Билимдонлик, маъносига қараб ижтимоий, шахсий, индивидуал, касбий билимдонлик бўлиши мумкин. А.К.Маркова мулоҳазаларида алоҳида касбий билимдонликда касбий фаолият ва касбий мулоқот энг катта аҳамиятга эга элементлардан ҳисобланади.

Жисмоний тарбия мутахассисининг касбий мулоқоти – бу билимдонликнинг коммуникатив таркиби бўлиб, касбий фаолиятнинг танланган тури учун хос бўлган ишбилармонлик мулоқоти меъёрларини ўзлаштиришни ўз ичига олади, масалан, шарқ яккакурашлари мураббийси учун – рус, ўзбек тилида баъзан эквиваленти бўлмаган махсус атамаларни билиш, иш юзасидан алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик қила олиш, меҳнат бозорида рақобатчилиқни таъминлаган ҳолда ўз ишига қизиқиш уйғота олиш. Касбий мулоқот суҳбатдошларнинг ҳар бирида муҳокама қилинаётган иш юзасидан ўта шахсий индивидуаллашган муносабат борлигини назарда тутди. Ички шахсий муносабатда, биринчи галда, шахсий эҳтиёжлар ва манфаатлар акс этади (онгли, ўзи манфаатдор бўлган мулоқот).

Шахсий касбий билимдонлик – бу эркин ифодаланган касбий мотивация, ижобий маънодаги касбий “мен ўзим” (касбга хос масалаларни ҳал этишдаги мустақиллик), касб билан маънавий боғлиқлик (касбий бурч, касбий маънавий қадриятлари касб этиш). Шахсий билимдонлик индивидуал билимдонлик билан тўлдирилади, яъни индивиднинг характери унинг иштиёқ майллари, одатлари морфофункционал мақоми орқали ўзгаради, қайта тус олади.

Ўқувчилар билан ўзаро алоқа услуби, товуши, мимикаси, белгилари, имо-ишоралар – буларнинг барчаси педагогик техниканинг кўрсаткичидир. Жисмоний тарбия ўқитувчисини педагогик фаолиятигача



асосий талабларнинг бири, худди ижтимоий белгиланган фаолиятининг, шахсга нисбатан талабнинг борлигидир. Ўқитувчи шахсининг профессионал йўналтириши, аynиқса тизим қийматини йўналишида катта аҳамиятга эга.

Жисмоний тарбияни амалга ошириш жараёнида жамиятнинг ижтимоий буюртмаси жисмоний тарбия ўқитувчисининг профессионал мажбуриятида ўзининг аниқ ўрнини топди.

Жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳаси мутахассисининг касбий маҳорати мезонлари

Объектив мезонлар	Мустақил ижодий қарорлар	Субъектив мезонлар
- Касбий фаолиятнинг юқори самарадорлиги; - Юксак касбий ютуқларнинг оптимал баҳоси	- Қабул қилиш қобилияти-га эга, мустақил ўқиш ҳамда мустақил такомиллашишга қодир бўлган жис-моний тарбия ва спорт соҳасидаги профессионал	- Касбга хос муҳим шахсий сифатлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги қобилиятлар, қадрият-лар
Меъёрий мезонлар:	Натижали мезонлар	Индивидуал мезонлар:
- Меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар, қоидалар-нинг ўсиши, ўзлаштириш ва амалий фаолиятда амалга ошириш; - жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги илмий ютуқлар ва инновацияларни муваффақият билан қўллаш.	- Касб маҳоратининг ўсиши, мустақил такомил-лашиш; - бозор конъюнктураси ўз-гарган шароитларда олин-ган билимларни қўллай билиш.	- Касбий фаолиятнинг индивидуаллашиш даражаси; - Касбий “мен-концепция”нинг шаклла-ниши

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, келтирилган манбалардан кўринадики, жисмоний тарбия ўқитувчисининг ҳаракат кенглиги ва профессионал мажбуриятини қанчалик катта доирада, у жисмоний



тарбия билимига тизимли тайёрланган бўлишини ижодий бажаради. Шундай қилиб, қўшимча қилиб айтганда, олий ўқув юртларида жисмоний тарбия ўқитувчисининг профессионал мажбурияти доираси ҳеч ҳам кам эмас, у ерда ўқитувчи худди шундай доирада педагогик мажбуриятларини бажаради.

Ўқитувчининг кўнгли бўшлиғи, меҳрибонлиғи ва инсонпарварлиғи ўқувчи томонидан айрим ҳолларда ўқитувчини бўш деб ўйлашига олиб келади. Шунинг учун ўқитувчи доимо талабчан бўлиши керак.

Касб маҳорати ривожланишининг дастлабки босқичларида жисмоний тарбия мутахассисига, одатда, спорт машғулоти соҳасидаги ҳаракат фаоллигига ички, рефлексив баҳолаб бўлмайдиган рағбатлар, истаклар таъсир қилади. Тор доирадаги касбий фаолиятнинг танланиши – соф рефлексив ҳодисадир, яъни ўзини намоён қилишнинг энг жозибали шакли бўлган спортда нафақат шахсий такомиллашиш эҳтиёжини англаш, балки бунга ўз ўқувчиларини ўргатиш маҳоратини эгаллаб олиш билан боғлиқ. Бошқача айтганда, жисмоний тарбия соҳасидаги касбий фаолият ўзининг шахсий асосида рефлексив, онгли кўрсатмага эга.

Касб маҳоратида мутахассиснинг эталон (муваффақиятли) моделига касбий фаолият мазмуни ва мутахассиснинг шахсий сифатларига бўлган, илмий асосланган меъёрлар ҳамда талаблар киради. Улар касбий мажбуриятларни муваффақиятли бажариш имконини беради. Бу мажбуриятлар маъносига кўра бир-бирига яқин бўлган иккита мазмундор жиҳатларга эга. Биринчидан, кишининг касбий фаолияти давомида эгаллаб оладиган сифатлари йиғиндисидир (меъёрий касб маҳорати). Иккинчиси – бу профессионал шахснинг ички дунёси. Бундай инсонда касбий сифатлар тўплами унинг шахсининг мазмуний қисмига айланган.

Касб маҳоратини ривожлантириш моделининг рағбатлантирувчи мотивацион таркиби томонидан ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантириш, касбий малакаларини эгаллашда муваффақиятли уринишларни ривожлантириш назарда тутилган эди. Муолажавий фаолиятли блокда таълим соҳасидаги касбий билимдонлик даражасини мунтазам ошириб бориш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида инновацион фаолият усуллари ҳамда шакллари ўзлаштириш кўзда тутилган эди.



References:

1. O'zbekiston Respublikasi «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida» gi Qonunni Toshkent 2015 yili 4 sentyabr.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017yil 3 iyundagi “Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora – tadbirlari to'g'risida” gi PQ-3031 sonli qarori «O'zbekiston ovozi» gazetasi, Toshkent2017 yil 4 iyun.
3. Ўзбекистон Призиденти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрель куни тасдиқланган “ Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тadbirlari тўғрисида”ги 2909-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 365 сонли Қарори
5. Безугла Л.И. Формирование духовных и моральных качеств будущих учителей // Педагогика, психология и медико-биологические проблемы физического воспитания и спорта. - Харьков: ХДАДМ. - 2005. - №10. - С
6. Yarashev K.D.Jismoniy tarbiya va sportni boshqarish.O'quv qo'llanma Toshkent Abu Ali Ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti 2002.
7. Юнусова Ю.М.Теория и методика физической культуры.Учебное пособия Тошкент UzGosIFK 2007.
8. SalomovR.S.Sport mashg'ulotning nazariy asoslari. – Toshkent. O'zDJTI, 2005.
9. MahkamdjanovK.M.JismoniymadaniyatnazariyasivametodikasiToshkent.,darslik “Iqtisod -moliya”2008 yil - 300 b.
10. Матвеев Л.Р. Теория и методика физического воспитание Москва Физкультура и спорт 2005.
11. Abdullayev A.,Xonkeldiyev SH.Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyoti. o'quv qo'llanma Toshkent., O'zDJTI, 2005 yil - 300 b.

Internet saytlari

- | | | |
|---|---|---|
| 1. www.tdpu.uz | 2. www.pedagog.uz | 3. www.ziyounet.uz |
| 4. www.edu.uz | 5. www.lex.uz | 6. www.bilim.uz |

